Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 23 июль, шанба № 119 (21.723). Сотувда эркин нархда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИНИНГ ИЧКИ ЭРКИН АЛМАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта — сўмнинг харид қобилиятини ошириш ва ички эркин муомалада бўлишини босқичма-босқич таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар қўлидаги нақд сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштириш таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ана шундай алмашувни ўзларига қарашли ихтисослаштирилган алмашув пунктлари орқали амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Марказий банк икки ҳафта муддатда вакил қилинган тижорат банкларига нақд сўмларни ўзларининг валюта ресурслари ҳисобидан эркин муомаладаги валюта (ЭМВ)га алмаштириш учун рухсатнома (лицензия)лар бериш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — тақдим этиладиган нақд сўмларгина ЭМВга алмаштирилади;

Сўмлар ЭМВга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган курс бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда воситачилик ҳақини ундириб олиш йўли билан алмаштирилади;

Сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштириш пунктлари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бир жисмоний шахсга (ёки унга тенглаштирилган резидентларга) алмаштириш 1994 йилнинг охиригача 250 АҚШ долларига қадар миқдорни ташкил этиши мумкин;

Резидент бўлмаган шахсларга сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштириш улардан илгари сотиб олинган — алмаштирилган ЭМВ миқдори доирасида, алмаштириш пунктининг тегишли маълумотномаси тақдим этилгандан кейин амалга оширилади;

Алмаштириш пунктлари жисмоний шахслардан ЭМВни чекланмаган миқдорда сотиб олади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги билан биргаликда нақд пул муомаласини тартибга солиш чоғида эҳтиёж ва таклифни ҳисобга олган ҳолда сўм билан ЭМВ миқдори ўртасидаги энг мақбул нисбатни таъминласин.

4. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб эркин муомаладаги валютани қуйидаги миқдорларда республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга рухсат берилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бир жисмоний шахс (ёки унга тенглаштирилган резидентларга) 500 АҚШ долларигача миқдорда;

Резидент бўлмаган шахсга — божхона декларациясига мувофиқ республикага олиб келинган ЭМВ миқдорида.

Кўрсатилган миқдорлардан ортиқча ЭМВни олиб чиқиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг рухсати билан йўл қўйилади.

5. Сўм билан бир қаторда ЭМВга товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида амалдаги тартиб сақлаб қолинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний ва юридик шахслар:

Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларида чет эл валютаси учун счётлар очиш;

Ўзларининг валюта счётларидан маблағ, шунингдек, улар юзасидан фоизларни белгиланган тартибда чет эл валютасида ёки операция бажарилган куни амалда бўлган курс бўйича сўмларда олиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, сўмларни ЭМВга нақд пулсиз алмаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида савдо ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

Давлатлараро ҳисоб-китоблар клиринг асосида товарлар ва хизматларни эркин муомаладаги валютада баҳолаш йўли билан амалга оширилади;

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган алмаштириш пункти тўғрисидаги низом ва эркин муомаладаги нақд валюта билан операцияларни амалга ошириш қоидалари маъқуллансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ички ишлар вазирлиги, Алоқа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларининг тегишлича ишлашларини, уларнинг зарур ускуналар билан жиҳозланиши ва қўриқланишини, малакали кадрлар билан бутланишини, алмаштириш операциялари қоидаларига риоя этиш қаттиқ назорат қилинишини таъминласинлар.

10. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик ҳисобидаги корхоналарга, ташкилотлар ва муассасаларга иш ҳақи белгиланган тартибда уларнинг ўз маблағлари доирасида тўланади.

Фавқулодда ҳолларда корхоналарга иш ҳақи тўлаш учун кредитлар бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида махсус комиссиялар тузилсин, уларнинг зиммасига пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)га тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш вазифаси юклансин. Ушбу масала бўйича узил-кесил қарорни республика комиссияси қабул қилади.

Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда юқорида кўрсатилган махсус комиссияларнинг ташкил этилишини таъминласин.

Тижорат банклари ушбу қарор чиққан кундан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга иш ҳақи тўлаш учун мақсадли кредитларни фақат республика комиссиясининг қарорига биноан берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур топшириқнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Прокуратураси валюта операцияларини амалга оширишда белгиланган тартибга оғишмай риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар, қоидабузарларни амалдаги қонунларда кўзда тутилган қатъий жавобгарликка тортсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни, шу жумладан, жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

12. Вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда ўзларининг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

13. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 июль.

Яқинда Косонсой туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги ҳудудида кичик сут заводи ишга тушди. Бир кунда 4 тонна сутни қайта ишлайдиган бу корхонада саккиз хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: қаймоқ турларини Адҳамжон Ғафуров намойиш қилмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ЙИҒИН

Ислом оламида маълум ва машҳур Абу Баракат Абдуллоҳ Насафий ва Нажмиддин Насафийлар таваллуд топган маъво — Қаршида одатдан ташқари йиғин бўлди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг мажлислар залида ўтган бу йиғинни вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Раҳмонов бошқарди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгашлари биринчи котиблари, туман ҳокимларининг муовинлари, масжидларнинг имом-хатиблари, маҳалла оқсоқоллари, маориф ва фан муассасалари раҳбарлари бу ерда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси раиси муфти Мухтор ҳожи Абдуллаев ва Республика Диний ишлар қўмитаси раиси Шайх Абдуғани ҳожи Абдуллаев билан учрашдилар. Уларнинг маърузаларини тингладилар.

Йиғилиш қатнашчилари олдида Президент девонининг катта маслаҳатчиси М. Маҳмудов қонунчилик ва диний идоралар иши тўғрисида маъруза қилди.

Истиқлол меваси ҳисобланмиш ватанпарварлик, она юрт аждодлари ўгитларига садоқат ва орифона руҳда ўтган бу анжуманда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов, вилоят ҳокимининг биринчи муовини Э. Афзалов, вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов иштирок этдилар.

Довут МАЪДИЕВ.

П У Л И М

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилиши муносабати билан

Кел, босай кафтимга мен, янги меҳмоним, пулим,
Ургилай сендан ўзим, ҳусни ҳамёним, пулим,
Қанча кутмиш соғинди, Ўзбекистоним, пулим,
Ўзлигим шаънига бир катта унвоним, пулим.

Дилга фахру ифтихор уруғини ташлаб кел,
Севинч, деган ашк билан бу кўзларни ёшлаб кел,
Қут-барака, тўкинлик, фаровонлик бошлаб кел,
Пойқадаминг соз бўлсин, шуҳратим-шоним, пулим.

Одимлаб ўт мардона, яқин, узун йўллардан,
Паст келмагин зарра ҳам беллашганда «доллар»дан,
Шараф билан иззат топ, тушмагин ҳеч қўллардан,
Ўрнинг бўлсин дунёда, тоза иймоним, пулим.

Қошингда эгиб бошин сарбаланд нарх-навоолар,
Маъмурчилик авж олсин, ушалсин муддаолар,
Турмуш бўлиб бекам-кўст, четлансин муаммолар,
Сен келдинг, ниҳон ўлсин энди армоним, пулим.

Турли-туман пуллардан безиллади юраклар,
Биҳамдиллоҳ, ижобат бўлди эзгу тилаклар,
Кундан-кун баланд бўлсин қимматинг тилло қадар,
Қадрингни улуғ этсин жумла-жаҳоним, пулим.

Бежиримсан, кўркамсан, таваллудинг муборак,
Мукаммалсан, бекамсан, таваллудинг муборак,
Сен миллий валютамсан, таваллудинг муборак,
Истиқлол ўлкасида туганмас коним, пулим!

Набижон МАМАДАЛИЕВ,
Бувайда туман «Олға» рўзномаси муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. П. ҚАЮМОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Пўлатович Қаюмов ўз аризасига биноан «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 июль.

БУХОРО ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Давлатга 50 минг тоннадан зиёд сара дон топширган Бухоро вилояти деҳқонлари йиллик режани бажардилар. Эришилган меҳнат ғалабасига Шофиркон, Ғиждувон, Ромитан, Пешку ва бошқа туманларнинг ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Вилоятда давлатга дон топшириш давом этмоқда.

Н. РАСУЛОВ.

• Муҳаррир минбари

ВАТАН ШАРАФИ, МИЛЛАТ ОБРЎСИ ДЕБ...

Ҳар бир мамлакатда, хоҳлайсизми-йўқми, икки хил ғаним бўлади. Биринчиси — давлатнинг дахлсизлигига хавф солиши мумкин бўлган ташқи ғанимдир. Мамлакатнинг иккинчи бир ғаними борки, у дафъатан кўзга ташланмайди, зимдан ҳунар кўрсатиб, юрт яхлитлигини емиради. У четдан келмайди, балки ичдан ҳаракат қилиб, ташқи кўриниши турли ниқобларда бўлади. Уни енгмай, парчаламай туриб, мўлжалланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов эл фидойиларини ана шундай душманга қарши аёвсиз курашга чақирди.

Президентимиз даъватига жавобан халқ, айтиш мумкинки, оёққа турди. Ўзбекистонни ўз ватаним деб ҳисоблайдиган, унинг қийинчиликларини шахсий қийинчиликларим деб ҳис этадиган фуқаролар чақириқни қизғин қарши олдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ жойларда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш борасида кенг жамоатчилик томонидан кенг кўламда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жипсликка, барқарорликка зимдан путур етказадиган ички ғанимликнинг энг хавфли ва ашаддий кўринишларидан бири коррупция, порахўрлик, рэкет бўлиб, у одамлар орасида аҳиллик ва осойишталикка раҳна солади. Жиноят оламининг «машҳур» намояндаларидан аксарияти фаолияти тегишли органларнинг изчил ҳаракати натижасида тутатилди. Лекин бу борада асло хотиржамликка берилиб бўлмайди. Бунинг учун аввало ҳамма ерда жамоатчиликнинг мавқеини оширмоқ лозим. Муаммоларни ҳал этишда, у ёки бу ҳодиса ва воқеаларга баҳо беришда, авваламбор, жамоатчиликнинг фикри ҳал қилувчи омил бўлмоғи даркор. Шу маънода маҳаллалар фаолиятини жонлантириш, кишилар хатти-ҳаракатини назоратга олиш ниҳоятда муҳимдир. Ман-ман деган зўравонлар ҳам маҳалла аҳли олдида, жамоатчилик олдида ҳеч нарса қилолмаслигини яхши биламиз.

Одамлар кўнглига ишончсизлик уруғини сепадиган ички ғанимлардан яна бири — бу тўрачилик, сансалорликдир. Кишиларнинг эҳтиёжларига, ҳақли талабларига беписанд қараётган раҳбарлар, аслини олганда, снёсатимизга раҳна солаётирлар. Уларнинг тўралашиб кетганлиги одамларда адолат деб аталмиш муқаддас тушунчага шубҳа уйғотмоқда. Топган-тутганини уй-жой қуришга сарфлашдек ота-боболаримиздан қолган анъанага кўра меҳнат кишиси ўз оғирлигини давлатга ташламай, деб банк идорасидан имтиёзли кредит сўраса-ю уни «эрта келинг, индин келинг» деб оворааю сарсон қилишса ёки умуман рад жавобини беришса! Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида бу ва шунга ўхшаш жиддий камчиликлар қаттиқ қораланди ва тегишли ташкилотлар фаолиятига муносиб баҳолар берилди. Айни пайтда халққа ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишларни жонлантиришга қаратилган тегишли ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган ғанимлардан яна бири бу—лоқайдлик ва бепарволикдир. Унинг энг хавфли жиҳати шундаки, лоқайдлик кўзга кўринмайди, лекин ундан келадиган зарар ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бепарволик бор жойда энг яхши фармонлар ҳам, пухта ўйлаб тузилган тадбирлар ҳам амалга ошмай, қоғозларда қолиб кетаверади, ишда олға эмас орқага кетиш, депсиниш бошланади, кишиларда ишончсизлик пайдо бўлади.

Ташаббус кўрсатмай, мавжуд имкониятларни қидирмай ҳамон боқимандалик кайфиятида фаолият юритаётган айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзимизни ўнглаб олишимизга, тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга тўғаноқ бўлмоқдалар. Эл манфаати, юрт манфаати, олдимизда турган буюк мақсадлар манфаати бундан кейин ана шундай кайфиятдаги раҳбарлар билан муроса қилиш мутлақо мумкин эмаслиги масаласини кун тартибига ниҳоятда қатъий қилиб қўймоқда.

Жойларда рўй бераётган боқибеғамлик, хўжасизликларнинг сабаби нимада экан, деб ўйланиб қоласан киши. Одамлар билан суҳбатлашганда, таҳририятимизга келаётган хатлар билан танишганимизда назорат ва талабчанлик, раҳбарларда шахсий масъулиятни ҳис этиш бўшашиб кетганлиги кўпроқ кўзга ташланмоқда. Аслида бозор тизимига ўтилиши муносабати билан эркин иқтисодий ҳаракатга шароит яратиш мақсадида назорат қилувчи баъзи идоралар қисқартирилган эди. Ҳаёт шуни кўрсатдики нисофсизга эрк бериб бўлмайди. Чинакам иқтисодий эркинлик шароитида фаолият юритишга баъзиларда нисоф ва диёнат ҳали етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шу сабабдан ҳам назорат ва талабчанликни кучайтириш орқали тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш даркор.

Ишчи ва хизматчиларнинг кундалик меҳнатдан сўнг уйга етиб олишига транспорт ўз вақтида топилмаса, тоби ҳоч ҳанда қўнғироқ қиламан деса телефони «соқов» бўлса, бир амаллаб «тез ёрдам» билан боғланса-ю уни соатлаб кутса, дардига малҳам изласаю лекин керакли дори-дармон топилмаса?! Қани айтингчи, шундай аҳвол билан бундан кейин ҳам муроса қилиб бўладими? Инсон турмушига, бинобарин, кайфиятига таъсир қиладиган бундай нуқсонларни ўзимиз жон қуйдирмасак, бирон бизга четдан келиб тартиб ўрнатиб бермаслигини ҳар биримиз тушунмоғимиз даркор. Ўзбекистонликман деган ҳар бир инсон борки юрт шаъни, Ватан шарафи, миллат обрўси йўлида жон чекиб меҳнат қилиши, нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлиши даркор. Ҳозирги давр, унинг мураккаб муаммолари, халқ манфаатлари ҳар биримиздан шуни талаб қилиптн.

Маълумки, республикамиз Президенти одамларнинг ўз меҳнатлари натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида қатор элпарвар Фармонлар эълон қилди. Ниҳоят, кўпчиликнинг бор маҳорати, билими, тажрибасини ишга солиб, баракали ишлаши учун кенг имкониятлар очилиптн.

Аммо айрим тўралар эскилик ҳумори тутиб, ҳамон одамларга эркинлик беришни эмас, улар устидан тўла ҳукмронлик қилишни ўйлашиптн. Биров етиштирган бойликни ҳамон якка тасарруф этишни хоҳлаётир. Шунинг учун ҳам ислоҳотлар йўлига турли тўсиқлар қўйишга уринмоқдалар. Кўпчилик уларнинг дастидан дод, деб турли идораларга қатнаб, асаблари бузилиб, вақтлари кетяпти.

• Долзарб мавзуда

ИЖАРАЧИ НЕГА САРСОН?

Яқинда редакцияга уч киши кириб келди. Ҳақиқий меҳнаткашлиги шундоққина юз-кўзидан билиниб турибди: қўллари қадоқ, оftобда қорайган...

— Ака,— деди ўзини Шароф Саидов деб таништирган йигит ўтирар-ўтирмас.— Шу бюрократларнинг дастидан ўлиб бўлдик-ку! Ҳалол меҳнатимиз билан кун кўрадиган замон энди келди, десак чучварани хом санаб юрган эканмиз. Ҳалиям оғзи қийшиқ бўлсаям бойнинг ўғли гапирсин экан. Раисимиз ижарага олган еримизни ўзбошимчалик билан тортиб олди. Суд бизнинг фойдамизга қарор чиқариб берди, у қонунни тан олмаяпти. Биз эса сарсон-саргардонмиз. Иш қолиб кетяпти.

У ўтираркан:

— Охирги нажот сизлардан,— дея қўлимизга бир даста қоғоз тутқазди ва қўшиб қўйди,— агар биз ноҳақ бўлсак, ёзинг, айбимизни кўрсатинг, розимиз. Аммо раис ноҳақ бўлса, уни ҳам айтинг. Токи ўзини якка-ҳоким, деб ҳис қиладиган, Президентимиз Фармонларини менсимайдиганларга сабоқ бўлсин.

Ҳужжатлар билан танишгач, масала ойдинлашди. Маълум бўлишича, Сариосиё тумани «Сўфиён» жамоа хўжалигидаги Шоҳқишлоққа яқин ердаги адирликда боғ ташкил қилинган. У кейинчалик қаровсиз қолиб, ночорлашган. Парвариш йўқлиги туфайли дарахтларнинг кўпи қуриб қолган. Ҳосилдорлик кескин пасайиб кетган.

Бир куни ўша вақтдаги хўжалик бошқаруви раиси Аллаев келиб, бригадада мажлис ўтказади. Боғни бу аҳволда қолдириб бўлмаслигини айтиб, уни ижарага олишни таклиф қилади. Аммо кўпчилик юракка доғ бўлиб ётган ерни эпақага келтириш қийинлигини билиб ломлим демайди.

Шунда Ислом Бозоров, Шароф Саидов, Эргаш Раҳимовлар розилик билдиришади. 1989 йил бошларида 66 гектарли боғ уларга бир йилга синов шарти билан ижарага берилади. Улар оила аъзолари билан астойдил тер тўкишади. Ҳосил яхши бўлади. Бундан мамнун бўлган хўжалик бошқаруви 1990 йил 1 январда 1996 йилгача ижарачилар билан шартнома тузади.

Энди буёғи ўзларига боғлиқлигини билган ижарачилар янада ғайрат қилишади. Хато жойларга ўзлари кўчат сотиб олиб экишади. Эски, ҳосили пасайган дарахтлар олиб ташланиб, серҳосил, истиқболли мева навлари экилади. Ишловини ўрнига қўйганликлари учун шартнома мажбуриятларини ортиғи билан бажариб келишади.

1993 йилга келиб хатоларга ва олиб ташланган дарахтлар ўрнига экилган кўчатлар ҳосилга киради. Миришкорларнинг ғайрат-шижоати туфайли боғ гўзаллашиб ажойиб масканга айланади. Ҳосил салмоғи ҳам, сифати ҳам, ижарачиларнинг меҳнатига яраша даромади ҳам ортади. Ҳатто яхши ишлаганликлари учун хўжалик бошқаруви томонидан бир бош қўчқор мукофотга берилади.

Аммо бу янги раис Ашурбобо Ҳасановга ёқмай қолади. У боғга ўзи хўжайин бўлиш, ҳосилни истаганча тасарруф этиш мақсадида ижарани бекор қилади. Боғни боғ қилгунча катта меҳнат, маблағ сарфлаган ижарачилар эса юқори идоралардан нажот излайдилар.

Ишни Узун туман суди А. Наимов раислигида кўриб чиқди. Ҳар бир ҳужжат, даъво ва эътирозлар диққат билан ўрганилади. Оқибатда суд ижара шартномаси ноқонуний бекор қилинганлигини кўрсатиб, ижарачиларнинг бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаш ҳақида қарор чиқаради.

Аммо раис «сўзида қатъий» турадиганлардан экан. Суд қарорини писанд этмай, Ш. Саидов, И. Бозоров, Э. Раҳимовларга, қаерга борсанг боравер, барибир сенларга боғни бермайман, деб хонасидан ҳайдаб чиқаради. Шунинг учун ҳам ижарачилар ҳақиқат излаб ҳамон сарсон юришибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, **«Энг аввало, ишлаб чиқаришга тадбиркор, ақлли, ташаббускор, иш ва жамоа манфаатлари ҳақида жон куйдирадиган инсонлар етакчилик қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Лекин, минг афсуски, ишлаб чиқариш соҳасидаги айрим раҳбарларнинг суяги эски замонда қотган, ишга муносабати ўзгармаяпти. «Бугунги вазиятдан фойдаланиб қолиш керак, эртага ким билади, нима бўлади» деб юрганлар кам эмас».**

Ашурбобо Ҳасанов ҳам шундайлардан чиқиб қолди. У ижарачиликни ривожлантириш, уларга кенг йўл очиб, ноз-неъмат мўл-кўллигини таъминлаш ўрнига тараққиётга тўсиқ қўйиш билан банд. Бўлмаса, бу ёқда ижарачилар овора, бир ёқда боғ қаровсиз бўлармиди?

Каримжон РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

БУЮК ХАЗИНА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИДА МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ, МАДАНИЯТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ, АВАЙЛАБ-АСРАШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

ДАВРА СУҲБАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ:

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари муовини;

Нуриддин МУҲИДДИНОВ — Ўзбекистон «Ёдгорлик» жамияти раиси;

Бектош РАҲИМОВ — Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси;

Муфти Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ ал-БУХОРИЙ — Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси;

Шукур ТЕМИРОВ — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

Барча қатнашчилар Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Кенгашининг аъзоларидир.

— Дунё дунё бўлиб, ер юзида ақлли мавжудот — одамзод пайдо бўлибдики, у ҳамиша тараққиёт сари интилиб келган, онги-шуури, тафаккури, билимини оширишга, яшаш тарзи ва шароитини мунтазам яхшилаб боришга, теварак-атрофни, борлиқни, оламни билишга изчил ҳаракат қилган,— **деди давра суҳбатини олиб борган газета бош муҳаррири Азим СУЮН.**— Биз яшаб турган Туркистон, Турон замин фарзандлари — бизнинг буюк аждодларимиз, аллома ва мутафаккирларимиз ҳам дунё маърифати ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшиб келишган. Бир ярим асрга яқин мустамлакачилик зулми, шу жумладан, 70 йилдан зиёд давом этган мустабид тузум даврида бизнинг ана шу буюк маънавиятимиз, маърифат ва мафкурамиз, қадриятларимиз, қадимий анъана ва урф-одат, удумларимиз бўғилди ва топталди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган салкам уч йиллик муддат ичида юртимизда ана шу қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг иззат-ҳурматини жой-жойига қўйиш, маданиятимиз ва маънавиятимизни асраб-авайлаш, уни ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинаётгани барчамизни қувонтиради, ғурурлантиради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида дунёдаги тараққий топган давлатлардан Япония ҳамда Жанубий Кореянинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва қудратли давлатлар сафига кириши сабаблари — аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган фуқароларнинг ўз бурчига, ўз вазифасига виждонан ва масъулият билан қарашида эканлигини алоҳида таъкидлади. «Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш,— деди юртбошимиз,— ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янглишмаган бўламиз».

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида юқиндагина қабул қилинган Фармон замирида ҳам чуқур маъно бор. Бу юртбошимизнинг маънавият, маърифат, маданиятимизни юксалтириш тўғрисидаги навбатдаги катта ғамхўрлиги, эътиборидир.

— **Абдулҳафиз Мараҳимович! Ушбу Марказни тузишдан мақсад, унинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Бажонидил. Аввалам-бор шуни таъкидламоқчиман: Марказни тузишдан мақсад, унинг олдига қўйилган вазифалар ҳамда фаолиятини ташкил этишга оид кўрсатмалар Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелдаги тегишли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг уни бажарилишига қаратилган қарорида баён этилган. Мен бу ўринда уларга шарҳ тусидаги айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман, холос.

Биринчидан, бундайин муассасанинг тузилиши — мамлакатимизда ислоҳотлар туфайли юз бераётган ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми, уларнинг мантиқий давомидир. Зеро, мустақиллик, истиқлол нафақат моддий, иқтисодий, балки, авваламбор, маънавий омилга, яъни жамиятимиз барча фуқаролари томонидан уларнинг юксак маъно ва мазмунини, тақдироломон аҳамиятини чуқур англаб олишларига таянади.

Иккинчидан, мустақиллик ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, демократия ҳам, ҳуқуқий давлат ҳам маънавий бой, маърифий, юксак ахлоқли, том маънодаги инсоний жамият барпо этиш воситасидан бошқа нарса эмас. Мамлакатнинг табиий-моддий бойликлари кам, деярли йўқ даражада бўлиши мумкин. Бироқ, маънавият, ақл-заковат, илм-фан, зиё, маърифат туфайли бу камчиликнинг ўрнини қопласа бўлади. Ва аксинча: мамлакатнинг бой табиий-моддий бойликлари маънавий қашшоқлик туфайли тўла барбод бўлиши мумкин...

Учинчидан, биз кўп йиллар давомида айни маънавиятни, маърифатни етарли даражада қадрламадик, уларни хўжакўрсинчилик ишига айлантирдик, маънавий меросимизни унутдик, ўтмишимизга менсимаслик назари билан қарадик, диний маданиятга нисбатан қўпол муносабатда бўлдик. Натижада, ўзлигимизни унутаёздик, жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолдик, истиқболимизни таҳлика остига қўйдик. Мустақиллик туфайли мазкур нохушликларга чек қўйишнинг имкониятигина эмас, ҳатто, зарурати туғилди. «Маънавият ва маърифат» маркази кенг жамоатчиликка таянган ҳолда маънавият соҳасида яхлит давлат сиёсати дастурини ишлаб чиқишга, уни амалга ошириш ишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшишга даъват этилган.

Бу йўналишда у: умуминсоний, шарқона, миллий қадриятларни ўрганиш, маънавий меросимизни тиклаш, мамлакатимиз миллий истиқлолига даҳлдор ғояларни юзага чиқариш, юртимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, халқимизнинг юксак сиёсий маданиятини шакллантириш, ушбу масалаларда жамоат ташкилотлари, илмий, ижодий муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига кўмаклашишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқади, чора-тадбирларни кўради, маърифий ишларни амалга оширади.

Азим СУЮН:— Абдулҳафиз Мараҳимович! Сиз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котибисиз. Демак, буни Марказга аввалгидек партия раҳбарлиги вужудга келаётир, деб тушуниш мумкинми?

— Йўқ, албатта. Жамиятимизда партия, эндиликда, ҳеч қачон аввалгидек тарзда раҳбарлик қила олмайди. Чунки, бунинг учун бизнинг худди ўша аввалги шароитларга қайтмоғимиз лозим бўлади. Президентимиз бу ҳақда, ҳатто ўйлашнинг ўзи ҳам истиқболсиз эканлигига эътиборимизни бир неча бор қаратдилар. Бизда замонавий, маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётнинг янги, истиқболли шакли вужудга келмоқда. Аммо, бу ҳол сиёсий партияларни керексиз қилиб қўяётгани ҳам йўқ. Аксинча, янги вазият сиёсий партия зарурлигини таъкидлаган ҳолда уни ўз иши билан шуғулланишга чорламоқда. Зеро, эндиликда, давлат ҳокимиятининг давлат ҳокимияти, сиёсий партиянинг эса сиёсий партия бўлишлиги пайти келди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов амалга ошираётган кўп қиррали фаолиятнинг сиёсий таянчидир. Партиямизнинг аскарияти меҳнат жамоаларида, давлатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида масъул лавозимларда меҳнат қилаётган 360 мингдан зиёд аъзоси, 12 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари, 200 дан кўпроқ туман, шаҳар, вилоят кенгашлари бор. Шулар боис, мамлакатимизнинг энг нуфузли сиёсий кучи ҳисобланмиш Ўзбекистон ХДП ўз Дастури, Миллий истиқлол мафкурасида маънавият, маърифий ишлар, уларнинг ҳаётимизда тутган ўрни, аҳамиятига катта эътибор берганлиги сир эмас. Менимча, маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда партиямиз зиёли салоҳиятидан фойдаланишдан қанчалик манфаатдор бўлса, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳам бизнинг партиямиз, бошқа жамоат ташкилотлари фаоллари, ташкилий тузилмалари имкониятларидан фойдаланишга ундан кам даражада манфаатдор бўлмаса керак. Бинобарин, мақсадимиз муштарак — халқимиз маънавиятини, ақл-идрокини, заковатини Ватанимизнинг нурли истиқболи томон йўналтириш.

Азим СУЮН:— Ҳозирги кунда ҳар қандай эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда республикамиздаги барча жамоат ташкилотлари, уюшмалари, жумладан, хайрия жамғармаларининг бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат иш олиб бориши ҳар қачонгидан кўра ҳам зарур бўлиб қолди.

Президентимиз Тошкент шаҳар кенгашининг куни-кеча бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қараяпти... «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши, пойтахтимизда ишлаб чиқилган махсус «Маҳалла» дастури шаҳардаги кўпгина муаммоларни изчил ҳал этишга кўмаклашмоқда», деб алоҳида таъкидлади. Шукур Темирович, шу маънода муҳокама этилаётган мавзуимизга Сизнинг ёндашувингиз қандай? Сиз раҳбар бўлган жамғарманинг, умуман, маҳалла аталмиш муқаддас масканнинг бу борадаги аҳамияти, ўрнини қандай баҳолайсиз?

— **Шукур ТЕМИРОВ:**— Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия маскани, шарқона яшаш тарзи, миллий урф-одатлар, удумлар шаклланадиган, инсон камол топадиган даргоҳ бўлиб келган. Аслида Ватан ҳам остонамиздан, маҳалламиздан бошланади. Қувонч билан айтиш мумкинки, бугун маҳалланинг, миллий қадриятларни тиклаш, замонавий анъаналарни қарор топтириш, меҳр-оқибат, саховат каби юксак инсоний фазилатларни рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим аҳамияти эътироф этила бошланди.

Оддий қилиб айтганда, маҳалла, миллатидан қатъий назар, одамларни қовуштирадиган, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, инсонпарварликка ундовчи пурҳикмат жой, тарбия, маънавият, маърифат ўчоғидир.

Азим СУЮН:— Минг афсуски, шундай пурҳикмат жой мустабидлик даврида қадр топмади, аксинча, камситилди, виждон, иймон-эътиқод, одоб каби инсон учун зарур ҳисобланган ахлоқий сифатлардан етарлича баҳра олмадик. Айниқса, фарзандларимиз онги ва шуурида маънавият, қадрият, одоб-ахлоқ тушунчалари ҳира тортиб, унутила бошлади.

Шукур ТЕМИРОВ:— Тўғри, бир жиҳатдан айнан шунинг оқибатида маънавий-ахлоқий тарбия издан чиқиб, жамиятда катта жиноятлар, чалкашликлар, ҳатто қурбонлар содир бўлди. Фарзандларимиз оила бағридан узоқлашди. Кўп ёшларимиз лоқайд, сатанг, бемеҳр, оқибатсиз, дунёқараши тор, имони сўст, миллий ғурур ва ифтихоридан узоқ бўлиб қолди. Бунинг касрини бугун ҳаёт кўрсатмоқда. Демак, ҳаёт дорилфунуни бўлган маҳаллаларимиз зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар юкланадиган вақт келди. Айнан мана шунинг учун ҳам маҳаллаларимизга бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда.

Маҳаллалар ишини ривожлантиришда «Маҳалла» ҳайр. жамғармасининг мақсади улуғ ва иш кўлами беқиёсдир. Унинг фаолияти миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, анъана ва удумларимизни тиклаш, уларни оммалаштириш, маданий-маърифий ишларни кучайтириш, юртимизда тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиш, соғлом авлодни камол топтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган даврда аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий муҳофазага олиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирларга, ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлмоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун эса шу давргача 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, 315 мингга яқин оила ва шахсларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозир республикамизда 12 минг 100 та маҳалла 5 миллионга яқин оилани бирлаштириб турибди. Маҳалланинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, кўп қаватли уйлардан иборат мавзеларда ҳам маҳаллалар ташкил қилинмоқда. Шуниси эътиборга молликки, йиллар давомида бирорта ҳам оиласи бузилмаган, жиноятлар содир қилинмаган маҳаллалар ҳам оз эмас. Бунга мисол қилиб «Беруний», «Янгиариқ» (Тошкент), «Алишер Навоий» (Тошкент вилояти), «Исфара гузар», «Ҳафиза Иброҳимова» (Фарғона вилояти), «Комилжон Отаниёзов» (Хоразм вилояти), «Мирзо Улуғбек» (Қашқадарё вилояти) каби кўплаб маҳаллаларни кўрсатиш мумкин.

Бу ҳамма жойда ҳам ишларимиз кўнгилдагидек кетаяпти, деган гап эмас, албатта. Шаҳар билан қишлоқ маҳаллаларини таққослайдиган бўлсак, ачинарлиси шундаки, шаҳарлардаги маҳаллаларда оилалар бузилиши қишлоқдагига нисбатан анча юқори. Бу иллатнинг олдини олиш учун жойларда ҳали анча тарбиявий, тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

Бироқ, шундай хайрли ишларни амалга оширишимизда бизга кўмак бериш ўрнига тўсиқ бўлаётган ташкилот ва раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Бекобод» маҳалласида жойлашган Тошкент бош кийимлар фабрикасига қарашли 3-цех жамғармамиз ихтиёрига ўтказиб берилганди. Бу цехни ишлатиш учун Ўзбекистон Енгил саноат уюшмасига хом ашё (мато) сўраб ёзган хатимизга уюшма раиси муовини М. Умаров имзоси билан хом ашё йўқ, у тўла ҳажмда савдо ташкилотларига чиқариб бўлинган, деган жавобни олдик. «Ўзбекшартномасавдо» (ҳозирда тугатилган) томонидан берилган тайёр тақсимот қоғози билан Бухоро ип-газлама бирлашмасига мурожаат қилганимизда, улар тақсимот қоғози ўтмаслигини, уни янгилаш кераклигини баҳона қилишди. Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Аҳмадалиевга эса менинг муовинларимдан бирининг хат билан шахсан бориб учрашиши ҳам наф бермади. Ҳозирча хом ашё эмас, ёлғон ваъда олдик, холос.

Шунингдек, биз Ўзбекистон Енгил саноат уюшмасига маҳаллаларимиздаги тадбирларимизда келин-куёвларга ҳамда кам харж ва ночор оилаларга бериш учун 100 та гилам, гилампоёндоз беришни сўраб хат қилган эдик. Хатимизга уюшма раисининг биринчи муовини Б. Ҳасанов Хива гилам фабрикаси лимит билан гилам беради, йил бошида мурожаат қилиш керак эди, ҳозир имкони йўқ, деб рад жавобини юборди. Тижоратчилар эса айнан шу фабрикадан машина-машина гилам олиб келишмоқда. Жаноб Ҳасанов бу ҳатти-ҳаракати билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 583-сон қарорига хилоф иш тутди. Халқи ҳақида қайғурмайдиган бундай раҳбарларнинг маънавий дунёси қандай эканлиги ҳақида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Азим СУЮН:— Маънавиятимизнинг улкан бўлаги бобокалонларимиз қолдириб кетган тарихий ёдгорликлардир. Хўш, биз бу меросга қандай муносабатда бўлишимиз керак? Нуриддин Акрамович, Сиз шу соҳанинг катта мутасаддиси сифатида нималар дея оласиз?

Нуриддин МУҲИДДИНОВ:—

— Халқимиз истиқлолга эришганлигининг уч йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Тўғри, уч йил улкан тарих олдида киприк қоққудек муддат, лекин ана шу уч йилда мустабид тузумдан мутлақо бошқача бўлган давлатнинг таг заминли пойдевори қурилмоқда.

Мен ўз ҳаётим давомида юзга яқин мамлакатни айланиб чиқдим. Ер юзининг қайси бурчагига бормай, Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланганман. Мана шу ифтихор туйғуси бизга ҳамиша куч ва илҳом бахш этиб келади. Қайси мамлакатда бўлсам ҳам ўша ердаги тарихий обидаларни қизиқиб кўздан кечираман. Чунки, ҳар бир миллатнинг ўзи яратган ёдгорликлари бўлади. Уларда ўша халқнинг босиб ўтган йўли, қиёфаси ёрқин акс этади. Зотан, тарихи йўқ миллатнинг келажаги ҳам йўқ. Ўзга элларда бўлганимда аср-лар оша сақланиб келаётган тарихий ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз кетар экан, ҳамма вақт Ўзбекистон заминидаги қадимий ёдгорликларни ҳавас ва иштиёқ билан сўзлашганига гувоҳ бўлганман. Японияда ва Англиягача, Хитойдан Америкагача — ҳамма жойда бизнинг ошхона бойликларимиз, номи жаҳонга таралган улуғ мутафаккирларимиз ҳақида сўз юритишади. Бу-лар ўзбек фарзанди сифатида менда ифтихор туйғуларини уйғотади.

Агар таъбир жоиз бўлса, шуни айтмоқчи эдимки, авлод-аждодларимиз бизга қолдирган асрий обидалар бугун ҳам маънавиятимизни бойитишда, Ўзбекистон номини олам аро таратишда ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. Юртимизга ташриф буюрган меҳмон — хоҳ у мамлакат подшоси бўлсин, хоҳ у бизнесмен ёки сиёсий арбоб бўлсин — ҳамма-ҳамма-си бозордан ҳам олдин ёдгорликларимизни бориб кўради. Асрлар гувоҳи бўлган бу обидаларни ўз кўзи билан кўрган одам «Ҳа, бу халққа ишонса бўлади, унинг илдизи чуқур, замини мустаҳкам экан», деган хаёлга боради. Ўзбекистон мустақиллигини жуда қисқа муддат ичида 150 тача мамлакат эътироф этди. Нега? Чунки, улар ўтмиши буюк мамлакатнинг келажагига ҳам ишонишди.

Қадриятларимизнинг қайта тикланиши халқнинг маънавий оламини ҳар қачонгидан бойитмоқда. Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, юртимиз тупроғида табаррук ва мумтоз боболаримиз ҳозиргидек эъзоз кўришмаган. Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бобораҳим Машраб сингари буюк зотлар номини шарафлаб тантаналар ўтказди. Айни пайтда Ҳабиб Абдуллаев, Шароф Рашидов, Иброҳим Мўминов, Ҳадича Сулаймонова каби яқин ўтмишимизда халқ учун жон фидо қилган замондошларимиз номларининг эъзозланиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Эндиликда халқимиз Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Ферузнинг 150 йиллиги, Абдулла Қодирий ва Юнус Ражабийнинг 100 йиллиги, Наврўз Жапақовнинг 80 йиллиги тантаналарини нишонлаш учун ҳозирлик кўрмоқда. Биз тўй деганда фақат мажлису мадҳияларни эмас, балки айни пайтда ўша санага тайёргарлик кўриш орқали ободончилик ишларини авж олдириш, юртимиз ҳуснига ҳусн қўшишни тушунамиз. Қадриятларимиз эъзозланиши шу эмасми?

Мен ҳамма ишларимиз ўз ўрнида кетаяпти, деган фикрдан йироқман. Биз Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг 2500 йиллиги байрамини ўтказиш арафасида турибмиз. Лекин, бу борада сусткашлик кўзга ташланмоқда. Яна бир гап— мол-мулкни хусусийлаштириш хусусида. Биз ҳукуматимизнинг бу борадаги сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Мулк эгалик бўлса, ундан олинажак самара яхшиланади. Лекин, ана шу ҳаракат ниқобида айрим қусурларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, мен буни таассуф билан қайд этмоқчиман. Марҳамат туманидаги машҳур Дукчи Эшон қўзғалони бостирилган Мингтепа ёдгорлиги 1970-йилларда бирмунча бузилиб, унинг тупроғидан иморат қуриш учун фойдаланишган. Ҳудудига эса пахта экиб юборишган. Кейинги йилларда мана шу ёдгорлик имкон қадар қайта тикланиб, тарихий ёдгорликлар ҳисобига қўшилди. Ваҳоланки, ота-боболаримиз асраб-авайлаб бизга топширган обидаларга шундай муносабатда бўлиш мумкинми? Худди шунга ўхшаш яна бир мисол. Республикамиздаги туманлардан бирининг раҳбари: «Янги қонун бўйича биз лотин ёзувига ўтамиз, шунинг учун тарихий ёдгорликларда битилган араб имлоси ҳам, эски ўзбек ёзуви ҳам бизга керак эмас, уларни дарҳол лотин ёзуви билан алмаштиринглар», деб буйруқ бериб-ди. Бундай «раҳбар»нинг маънавий олами қандай бўлиши мумкин, бу ҳақда ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Яхшиямки, вилоят раҳбарлари мазкур кўрсатмани бекор қилиб, хунук оқибат келтирадиган бу ишнинг олдини олишибди.

Ҳукуматимизга раҳмат, яқинда хусусийлаштиришга дахлсиз ерлар ҳақида яхши қарор қабул қилинди. Бизнингча, ана шу рўйхатга ёдгорликлар жойлашган ерларни ҳам киритиш керак.

Мен нафақат Ўзбекистонимиз ҳудудида, балки хорижий элларда ҳам халқимиз эъзозлаши керак бўлган қадамжолар борлигини таъкидламоқчиман. Негаки, халқимизни дунёга танитган Беруний Ғазнада, Ибн-Сино Ҳамадонда, Форобий Дамашқда, Навоий Ҳиротда, Бобур Қобулда, Бобораҳим Машраб Балхда, Фурқат Ёркентда ётибди. Биз чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўймоқдамиз. Худди шундай маънавий ва маданий алоқаларни ҳам кенгайтириб, барқарор йўлга қўймоғимиз лозим.

Хонаси келганда, бир мулоҳазани билдирмоқчиман. Ҳозир вилоятларимизда кўплаб мулклар «ким ошди» савдосига қўйилмоқда. Ана шу савдонинг ташкилотчилари сотишга қўйилаётган бино ёнида ёдгорликлар йўқми ёки янгиси қуришга мўлжалланмаганми, шу нуқтаи назардан, тарихий ва маданий ёдгорликлар жамиятининг фикри билан расман ҳисоблашсалар тўғри бўларди. Зотан, юртимизда пулга баҳолаб бўлмайдиган бебаҳо бойликларимиз жуда кўп.

Азим СУЮН:— Халқимизда «Қари билганни пари билмайди», деган нақл бор. Ёши улуғ кишиларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳам маънавиятимизнинг узвий бўлаги. Шу жиҳатдан олганда, фахрийларимизнинг фикри биз учун бениҳоя қадрлидир. Бектош ака, сўзни Сизга берсак.

Бектош РАҲИМОВ:— Дарҳақиқат, шу вақтга қадар халқ тафаккурида чархланиб келаётган неки билим бўлса, бу ўша халқнинг маънавий маданияти нечоғлик улуғлигидан дарак беради.

Улуғ маънавиятнинг тамал тошини қўйган тийрак фикрли, донишманду аллома, олиму уламо бобокалонларимиз яратиб кетган битмас-туганмас илм ганжинаси бугун бутун жаҳонда тан олинган. Уларга амал қилишмоқда, улардан ўрганишмоқда, уларни эъзозлашади, кўзларига суртиб, тавоф этишади.

Биз XX аср фарзандларимиз. Не бахтки, аср бошларида гарчи, бир қадар қийинчиликда яшасакда, одамлар феълида инсофу диёнатга, диний таълимотга, халқ анъаналарига содиқлик устувор эди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, отаонага меҳру-муҳаббат, оилапарварлик нечоғлик саминий, нечоғлик шарқона ва ўзига хос эди.

Бизнинг бошимизга, тақдиримизга мустамлакачилик, истибдод кўзга кўринмас ёв бўлиб, зимдан, секин-секин бостириб кирди. Аввало, минг йиллик урф-одатларимизга, анъаналаримизга, шарқона қадриятларимизга чанг солди.

Мен бир оилани яқиндан биламан. Тошкентнинг Юнусобод тумани, Гулбоғ кўчаси, Обод маҳалласидаги бу оилада табаррук 131 ёшли онахон Меҳрибиби ая Худойбердиева умргузаронлик қиладилар. Онахоннинг ҳозирда ҳаёт бўлган фарзандлари Нишонбой бобо 92 ёш, у кишининг укалари Эгамберди ака 78 ёш, яна бир фарзанди Абдусамиғ 71 ёшдалар. Қизлари Мамлакатхон опа, келинлари, 200 га яқин невара-чевара, эваралари аянинг атрофида парвона. Шу оила тимсолида Шарқ халқларига, айниқса, ўзбек хонадонларига хос меҳру оқибат, самимият, ҳурмат-иззатни кўрасиз. Дили пок, ўзи пок, сўзи пок, иймони пок одамлар қаримайди. Ўзгалар қутқусига учмайди. Ёмон одамларга кўр-кўрона эргашмайди. Ўзининг динини, ҳунарини, илмини ўзгаларга хор қилдириб қўймайди. Мана шундай пайтда, гарчи тўпорироқ бўлса ҳам, маънавият, одоб маданияти, Шарқ маданияти сақланаётганини, уни бутун тўлалигича ривож топтириш кераклигини дилдилимиздан ҳис этамиз.

Мен юқорида бир оилани мисол қилиб келтирдим. Ўзбекистонда ана шундай оилалар кўплаб топилади. Ҳар бир ана шундай оилада давр қийинчиликларига, уруш офатларига кўксини қалқон қилган қарияларимиз, уруш ва меҳнат фахрийлари яшайдилар. Улар ҳамиша ҳурматда ва эъзозда бўлишлари керак. Республикамиз Президенти Ислом Каримов худди шу нарсани эътиборга олиб бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгаши, унинг вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари фахрийларга яқин туриш мақсадида корхоналар, маҳаллалар, қишлоқ кенгашларида ўзларининг бошланғич ташкилотларини тузмоқдалар. Маҳаллаларда оқсоқоллар билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Негаки, ёшлар улар англаб етган, умр чархпалагидан ўтказиб, маъносини чақкан ҳикматларни англасинлар. Маънавий ва миллий қадриятларимизнинг нечоғлик улуғлигини, бизга бундан кейин ҳам ана шу маърифий салоҳиятимиз қўл келишини тушунсинлар.

А. ЖАЛОЛОВ

Н. МУҲИДДИНОВ

Б. РАҲИМОВ



Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ ал-БУХОРИЙ

Ш. ТЕМИРОВ

Азим СУЮН:— Суҳбатимиз асносида кўп ажойиб мулоҳазаларни, айниқса, фахрийларимизнинг ибратомуз ўгитларини эшитдик. Даврамизда ёши улуғларимиздан бўлмиш муҳтарам муфти ҳазратлари — Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ ал-Бухорий ўтирибдилар. Бу борада, яъни маърифат, маънавият, қадрият, дину диёнат, қолаверса, ёш авлод тарбияси хусусида уларнинг фикрларини билиш ҳаммамиз учун ибратлидир.

Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ ал-БУХОРИЙ:— Аввало Аллоҳ Таолога беадад шукрлар айтамизки, жонажон диёримиз мусулмонлари ҳеч бир тазйиқсиз камоли ҳуррият билан, дилларида ҳеч бир ғашликсиз барча ибодатларини тўла адо этмоқдалар. Бу истиқлол шарофатидандир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида айтибдурларким: «Қуллу шайъин яржиу ило аслиҳи» — «Ҳар бир нарса ўз аслига қайтар (ўз аслини топур)».

Энди, дину диёнат, маърифат, маънавият ёки миллий қадрият масалаларига келсак, бу улуғ хислат ва фазилатларни қайта тиклаш ҳамда тараққий эттиришнинг айни вақти келди.

Инсоннинг эзгу ишларини ихтиёр қилиб, ёвуз ва разил кишилардан узоқлашиши учун ички ва ташқи омиллар мавжуд. Ташқи омиллар деганда амалдаги қонун ва қоидалар, урф-одатлар, жамоатчилик назорати ва шарму ҳаё каби нарсалар тушунилиб, уларга риоя қилиш натижасида инсон ўзини тўғри олиб юришга ҳаракат қилади, жиноят содир қилиб жазога йўлиқишдан ёки ножўя иш қилиб қўйиб, жамоатчилик олдида шармандa бўлишликдан қўрқади. Натижада у юзаки бўлса-да ўзининг инсонийлик шаънига доғ туширмасликка мажбур бўлади.

Инсонда бундай омиллардан ташқари иймон, ихлос, дину диёнат, инсоф, тавфиқ, виждон каби ички омиллар ҳам борки, уларнинг таъсирида у ўз-ўзидан, ҳеч қандай ташқи кучларнинг аралашувисиз ҳам тўғри қадам босишга интилади. Ахир, барча ишга қодир Аллоҳ Таолонинг борлигига, бу дунёда қилинган ишлар бўйича унинг олдида ҳисобот берилишига, яхшилар учун жаннат неъматлари, ёмонлар учун дўзах азоблари тайёрлаб қўйилганига сидқидилдан ишониб, иймон келтирган одам қандай қилиб гуноҳ ишларни қилишга ботинади?! Шундай эътиқоддаги инсон қандай қилиб разил ишларга қўл уради, қандай қилиб ўзгалар ҳақига хиёнат қилади?!

Мана шу зикр этилган маъноларни мулоҳаза қилган ҳолда ҳаёт кечириш учун инсон дину диёнатли бўлиши, диний ва миллий қадриятларга риоя қилиши керак.

Одамларнинг бир-бирларига нисбатан меҳр-муҳаббати, иззат-ҳурмати, шарму ҳаё, ота-она ҳурмати, ўзгалар ҳақидан қўрқиш, адолатли бўлиш, ўзига раво кўрган яхшиликни бошқалар билан ҳам баҳам кўриш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, камтарлик, кечиримли бўлиш, тўғри сўзлик, туҳмат-бўҳтондан ва ғийбатдан тилини сақлашлик, ўзгалардан асоссиз шубҳага тушмаслик, бадгумонлик, гина-ҳасаддан поклиниш, сабр-қаноатли, меҳр-вафоли бўлиш каби хислат ва фазилатларнинг ҳаммаси қадрият ёки маънавиятнинг мағзидир.

Ёш авлодни инсонпарварлик ва одамийлик руҳида тарбиялаш масаласига келсак, бу ҳар бир оиланинг ва ҳар бир жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Маълумки, бола тарбияси унинг туғилган вақтидан бошланади. Ота-она ўз меҳрлари билан Аллоҳнинг улуғ неъмати саналмиш фарзандларини имкониятлари борича пухта тарбия қилишга ҳаракат қилишлари шарт. Оиладан бошқа ҳам, маълумки, тарбия манбалари кўп. Боғча, мактаб, ўқув юртлари ва ташқи муҳит ҳам инсон тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Менинг фикримча, ёш авлодни келажак истиқболи учун яроқли қилиб тарбиялашда зиёлилар, ёзувчилар ва барча ижодкорлар бир бўлиб ҳаракат қилишлари керак. Шу жумладан, диний арбобларимиз, яъни уламои киромларимиз, имом-хатибларимиз ва тажрибали қарияларимиз ҳам бу хайрли ишга бош қўшишлари лозим. Ўтмишда намунали ҳаёт кечирган буюк аждодларимизнинг адабий меросларидан фойдаланишимиз зарур.

Азим СУЮН:— Абдулҳафиз Мараҳимович! Хулоса тарзида яна нималарни айтишингиз мумкин?

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ:— Мана, суҳбатимиз ҳам якунланиб қолди, шекилли. Биз мамлакатимиз жамоат ташкилотлари, уюшмаларининг Президентимиз И. А. Каримов ЎзФА умумий йиғилишида «буюк хазина», деб атаган— диёримиз ақл-заковат салоҳиятини ўстириш, ундан самарали фойдаланишга оид биринчи галдаги вазифалари хусусида фикрлашдик. Маънавият, маърифат, уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида қанча гапирилса ҳам ортиқчалик қилмайди. Мутафаккирлардан бири: «Қанча кўп билсанг, шунча кўпга қодирсан», деган. Дарҳақиқат, одамнинг нодонликдан хавфлироқ душмани йўқ. Маънавият, маърифат, маданият кишини бошқа жонзотлардан қанчалик юқори кўтарса, нодонлик уни шунчалик тубанлаштиради, ҳатто, ҳайвондан ҳам ёвузроқ махлуққа айлантириб қўяди. «Мулладан чала мулла ёмон», деб бежиз айтилмаган. Чала мулладан эса ғофил кимса хавфлироқдир...

Кейинги бир неча ўн йилликлар давомида сизда кўп биладиганга, олиму фозилликка нисбатан салбий муносабатда бўлиш ҳис-туйғуси шакланди. Чунки, муст

• Долзарб мавзуда йўқлама

ПОЧТА ХИЗМАТИДАН РОЗИМИСИЗ?

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида алоқа хизматидаги камчиликлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Одамларнинг кайфияти, аҳвол-руҳияти билан бевосита боғлиқ мазкур соҳадаги нуқсонларни барча вилоятларда ҳам учратиш мумкин. Таҳририят куни-кеча шу масала юзасидан жойлардаги мухбирлари билан йўқлама ўтказди.

НАМАНГАН

Кейинги вақтда вилоят почта хизматида анчайин муаммолар тўпланиб қолди. Фуқаролар матбуот нашрларини вақтида олишолмаяпти, нафақа пулларини, турли жўнатмаларни кутиб, кўзлари тўрт бўляпти. Буни Наманган шаҳар марказий почтамти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жойларда 35 та алоқа бўлими бор. Уларда 253 хизматчи ишлайди. Шуларнинг 200 дан ортиғи почтальонлар. Улар турли асосли ва асоссиз сабаблар билан мижозларга хизмат қилиш узилишларга йўл қўйи[illegible]. Шунинг учун 11, 34-алоқа бўлимларининг бошлиқлари вазифаларидан олиб ташланди. 5, 23, 37-алоқа бўлимларнинг бошлиқлари Ш. Исмоилов, А. Абдураҳмонов, Р. Худойбердиевалар ҳам тегишли жазо олдилар.

Аммо нуқул жазолаш билан иш юришиб кетмаяпти. Бунинг маълум сабаблари бор.

Ҳайтовур, сўнгги ойларда республика газеталари ва журналлари келишида узилиш бўлмади. Аммо улар вилоятга соатлаб кеч келмоқда. Айни пайтда обунани қўшимча ташкил этган ижодий жамоалар газетхонлар ишончини сўндирдилар. Бунинг учун масъулият кимнинг зиммасида?

— Осмон узоқ, ер қаттиқ, — дейди почтамт бошлиғи И. Нажимов,— Почтальонларимиз бир дона газетани 8 сўм-купонга элтиб берадилар. Ўнта газета ташласанг, 80 сўм-купон! Илгари пенсия-нафақа ҳисоблаш ҳамда тўлаш маркази умумий тарқатилган сумманинг 4,3 фоизини почтага ўтказар эди. Ҳозир бу кўрсаткич 2 фоизга тушиб қолди.

Унинг эътирофича, автокорхонадан чиқарилган битта автомашина 8 соат учун 100 минг сўм-купон талаб қилади. Буни қоплашнинг эса ҳеч ҳам иложи йўқ.

Бизда «Маънавият пул билан ўлчанмайди» деган гап бор. Шундай экан, тилга олинган муаммолар жумҳурият миқёсида ҳал этилиши, қоғоз, бўёқдан тортиб, почтага автотранспорт хизмати кўрсатишгача имтиёзли бўлиши керак.

ХОРАЗМ

— Ассалому алайкум, менга «Халқ сўзи» билан «Ўзбекистон овози» газеталарининг янги сонидан биттадан берсангиз?

— Сиз бу рўзномаларга обуна бўлгандингиз, шекилли?

— Топдингиз, обуна бўлганману, лекин почтачилар газетани вақтида келтиришмаяпти-да.

Газета дўкончаси олдидаги сотувчи ва харидорнинг бу суҳбати мени қизиқтириб қолди. Унга аралашдим.

— Шундай экан, бир газетага икки маротаба пул тўлаб юрасизми, кутубхоналардан фойдалансангиз бўларди...

— Бордим, вилоят болалар кутубхонаси 7-алоқа бўлими ёнгинасида жойлашган. Гап шундаки, бу жойда ҳам истаган рўзномаларнинг янги сонларини тополмадим.

Бу суҳбатдан сўнг аҳволни ойдинлаштириш мақсадида тилга олинган кутубхонага бордим. Кутубхона мудираси Г. Қаландарова хушмуомала аёл экан. «Мана, кўринг» дея эскирган газеталардан бир ўрамини олдимга қўйди почта хизматидан нолиб.— Бугун 19 июль. Тўғрими, манави газеталар эса ҳозиргина келтирилди. Ҳали тахини ҳам бузиб улгурганим йўқ.

Мен газеталарни кўздан кечирдим. «Ўзбекистон овози»нинг 14, 16-июль, «Халқ сўзи»нинг 14, 15, 16-июль сонларига кўзим тушди. «Правда Востока», «Туркистон», «Хорезмская правда» ва бошқа газеталарнинг ҳам уч-тўрт сони худди шундай бирваракайига ташлаб кетилган. Таажжубландим. Кутубхонага Урганч шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси 7-бўлими хизмат қилар экан. Ўйлаб қолдим. Балки бошқа бўлимларда аҳвол бундан яхшироқдир. Шу саволни ўзимга бердиму, шаҳар почта идорасига қарашли 10-бўлимга кириб бордим.

— Ҳамма газеталарни эгаларига вақтида тарқатиб турибмиз,— деди бўлим бошлиғи Мунаввара Машарипова,— ҳозирча обуначилардан шикоят йўқ.

— Мана булар-чи?— дедим бошлиқ столи устида қалашиб ётган «Халқ сўзи» газеталари тахини бузиб, унга июлнинг 9-кунида чиққан 12 та, 15-кунида чиққан 8 та, 16-кунида чиққан 8 та газетани кўрсатиб,— бу газеталарни обуначиларга қачон етказиб берасиз, келаси ойдами?

— Йўқ, унақа эмас, почтачимиз касал...— бўлим бошлиғи қаловланиб қолди, — ҳа, айтмоқчи, бу газеталарни бизга адашиб ортиқча юборишган бўлсалар керак?

— Ким ортиқча юборган?

— Ўрганиб чиқамиз, топамиз сабабини...

— 9 июлдан бери бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми, ахир ўн кундан кўпроқ вақт ўтиб кетибди-ку. Бу газеталарнинг обуначилари кутакута умидларини ҳам узиб қўйгандирлар.

Суриштирилаверса аҳвол ойдинлашаверади. Худди шу 10-бўлим почтачилари хизмат қиладиган учинчи кичик туманда яшовчи обуначи Ю. Богатиков ҳам шу йил ҳисобига вилоятда чоп этилаётган «Панорама» ойлик газетаси 2—3—4-сонларини ололмаганидан, Х. Иноятова эса худди шу газетанинг Урганч давлат университети ётоқхонасига келиши керак бўлган кўпгина сонлари (қирқдан ортиқ обуначига) вақтида етиб келмаётганлигидан шикоят қилганлар.

Булар ҳақида сўзлар эканмиз Мунавварахон миқ этмади, қизарди. Лекин Урганч шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонаси бошқарувчиси Матрасул Абдалёзов-чи? Ушбу сатрларни ўқиб қизарармикан?

Худди шу саволимизни вилоят давлат почта корхонаси бошлиғи Мамадсалой Полвоновга ҳам йўллаймиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Кейинги йилларда бу ўлкада аҳолига почта хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланди. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан республика аҳолисига хатлар, пенсиялар, газета-журналлар, пенсиялар, хатлар келишилган шартнома бўйича эрта тонгда Нукус шаҳридан Тўрткўл, Амударё, Қўнғирот, Тахтакўпир туманлари йўналишлари бўйича автобусларда жўнатилмоқда.

Хатларни эгаларига етказиб беришда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жойларда юборилаётган хатлар, газета-журналларнинг миқдори аввалги йиллардагига нисбатан кескин камайиб кетди. Масалан, Нукус шаҳридан жўнатилган хат Бухорога 5 кунда, Тошкент, Самарқанд, Гулистон, Жиззах, Қарши шаҳарларига 7 кунда етиб бориши керак. Амалда қандай бўляпти? Юборилган хатлар белгиланган кунлардан 4—5 кун кечикиб бормоқда. Нукуса ва Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларига хатлар, пенсиялар, газета-журналлар кечикиб келмоқда. Газета-журналлар белгиланган жадвал бўйича келмаётганлиги интизомнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

Газеталар Тошкентдан Нукусга самолётда келтирилади. Баъзан самолётларнинг кечикиши сабабли газеталар келмай қолаётган кунлар ҳам бўляпти. Куни-кеча — 19 июль куни У-494 рейс самолёти Нукусга соат 11 дан 20 минут ўтганда келиши керак эди. Шу куни газетанинг келишини куни бўйи кутдик. Самолёт соат 18.00 гача келмади. Демак, шу кунги газеталарни газетхонлар ололмасдан қолди. Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларига газета-журналлар ўз вақтида етиб бориши учун соат 11 дан кейин эмас, иложи борича эртароқ соат — 6.30—7 ларда келгани маъқул.

Шаҳар ва туманларда почта хизмати кўрсатишда қатъий тартиб-интизом бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг хатлар, корреспонденциялар, пенсиялар, газета-журналлар ва бошқа почта хизмати турлари юзасидан назорат муддатларининг қандай бажарилаётганлиги шаҳар ва туманларда ишлаб чиқилмаган. Шунинг оқибатида Бўзатов, Мўйноқ ва бошқа қатор туманларда, почта бўлимларида алоқа хизмати талаб даражасига жавоб бермаяпти.

— Аҳолига хизмат кўрсатишда юз берадиган камчиликларни бартараф қилишда ҳамма имкониятларни ишга соламиз,— дейди Қорақалпоғистон давлат ишлаб чиқариш почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси бошлиғи Кенес Иброҳимов.

Қани кўрайлик бошлиқ ўз сўзида тура олармикан...

САМАРҚАНД

Халқимизда «Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради» деган гап бор. Демоқчимизки, Самарқанд вилоятида ҳам минг машаққат билан қоғозга чоп этилган дил сўзлари газетхонга ўз вақтида етиб бормаяпти. Албатта, бунинг чоралари кўриляпти.

— Илгари бизга газета ва журналлар поездда Каттақўрғон орқали ёки Навоий шаҳридан келтириларди. Энди эса бевосита Оқтошнинг ўзига келтириб тушириляпти. Очиғи, тортишавериб-тортишавериб шунга эришдик,— дейди Нарпай туман давлат почта корхонаси бошлиғи М. Аҳмедов.— Лекин шу ўринда бир мулоҳазам бор. Тошкентдан келадиган газета ва журналлар таҳририятлари ана шу матбуот воситаларининг чоп этилишидаги ўзгаришларни ўз вақтида маълум қилишмайди. Натижада муштарийлар ҳамма даъвони бизга қилишади.' Масалан, «Бошланғич таълим» журналининг биринчи сони куни-кеча келди.

Биз бир қатор туманларда бўлганимизда ҳам ана шундай манзарага дуч келдик. Яна бир гап. Самарқандга ҳар куни Тошкентдан газеталар самолётда ва поездда жўнатилади. Наҳотки уларни битта транспортда жўнатишнинг иложи бўлмаса, ваҳоланки бу маҳсулотларнинг ҳаммаси битта жойда — «Шарқ» концернида босилади.

— Ростини айтсам, транспорт муаммосидан юрагим безиллаб қолди. Ҳозир Пастдарғом почта хизмати идораси бошлиғи ўринбосари Б. Нормуродов телефон қилди. 100-автобаза машина бермабди. Демак, бугун Пастдарғомга ҳеч қанақа газета олиб кетилмайди. Бундан бир неча кун аввал Қўшработ ва Челакда ҳам шундай ҳоллар рўй берди. Бундай пайтлар махсус дафтарга 50 марта ёзилди.

— Албатта, ярим йил учун бу кўплик қилади,— деди вилоят давлат почта корхонаси ва матбуот тарқатиш бошқармаси бошлиғи Омонжон Ғаффоров.— Бу ҳақда вилоят автотрести бошлиғи Петрошовга ўн марталаб мурожаат қилдик, хатлар ёздик, фойдаси бўлмаяпти.

Вилоят марказининг ўзида ҳам матбуот тарқатиш кўнгилдагидек эмас. Газета дўконлари ҳиссадорлик жамиятига ўтгандан кейин уларни назорат қилиш ва бошқариш қийинлашиб қолди. Айрим дўкончилар газета-журналдан кўра тиш чўткаси, совун ва калиш сотишни афзал кўрмоқдалар...

ЖИЗЗАХ

Кундалик матбуот нашрлари вилоятга шу пайтгача поездда келтирилар ва шу сабабдан Жиззах шаҳрида муштарийларга куннинг иккинчи ярмида, туманларга бир кун кечикиб етказиларди.

Вилоят ҳокимлиги газета-журналларни республика марказидан тезроқ етказиб келиш мақсадида 1 июлдан бошлаб ташиш ҳаражатларига алоҳида пул ажратди. Шундан бери Жиззах шаҳрида яшовчи газетхонлар газеталарни ўша куни олиб ўқимоқдалар. Туманларда эса...

Гапнинг очиғи, туманларда почта ходимларининг жонкуярлиги ва ишчанлиги талаб даражасида эмас. Масалан, 20 июль куни Пахтакор туман почта алоқалари бўлими ташувчилари вилоят марказий почтасидан шу кунги газеталарни эрталаб соат саккиз яримда қабул қилиб олганликларига қарамай, кундуз соат 15 дан ўтганда «Навбаҳор» ижара ширкат бирлашмаси меҳнаткашларига тегишли 15 та «Халқ сўзи», 19 та «Маърифат», 15 та «Жиззах ҳақиқати», 5 та«Туркистон» ва бошқа газеталарни ҳамон жўнатмаган эдилар. Ҳатто бир кун илгари 19 июлда чиққан 14 дона «Ўзбекистон овози» газетаси ҳам бирлашмага етказиб берилмаган экан. Бунинг сабабини сўраган эдик, почта бўлими бошлиғи Алихон Айдаров хўжалик ва корхоналарга газета-журналларни ёлланган шахсий машина ҳайдовчиси етказиб беришини, бир кун илгари ана шу машинага бензин тополмаганликларини баҳона қилиб кўрсатди. Туман маркази билан бирлашма ораси 14 километр. Бориш-келиш учун уч литр бензин кетади. Ана шу уч литр бензинни тополмаган ёлланма ҳайдовчига ҳам, почта бўлими раҳбарларига ҳам «офарин» айтинг келади.

Қўшни Дўстлик тумани почта алоқалари бўлимида соат 16 дан ўтганда кузатув ўтказиб, бу ерда ҳамон сақланаётган газеталар туман марказидан нечта ташкилотга тегишли эканини санашни бўлим раҳбари Нина Кречитовадан илтимос қилдик. Ўн олтита ташкилот ва идорага тегишли нашрлар шу куни почта бўлимида қолиб кетгани аниқланди.

Почта хизматчилари лоқайдлигидан ранжидик.

* * *

Кўриниб турибдики, вилоятлардаги аҳвол бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Тўғри, бозор тизимига ўтиш даврида қийинчиликлардан кўз юмолмаймиз. Тармоқ ходимларига ҳам осон эмас. Лекин мамлакатимизда алоқа хизматини йўлга қўйиш учун бутун бир вазирлик, унинг таркибида «Ўзбекистон почтаси» концерни ишлаб турибди. Биз республика Алоқа вазирлиги раҳбариятига ўз ишларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишнинг фурсати келганлигини эслатиб қўймоқчимиз. Негаки, алоқа хизмати халқ хўжалигининг барча жабҳалари билан силсила каби туташиб кетган. Одамларнинг кайфияти, уларнинг эртанги кунга ишончи алоқачиларнинг қанчалик аниқ ишлашларига ҳам боғлиқ. Амалга оширилаётган ишларга баҳо беришнинг ягона мезони — бу хизмат маданиятидан халқнинг розилигидир. Афсуски, ҳозирча бу борада ижобий фикрлардан кўра танқидий мулоҳазалар устунлик қилмоқда. Буни таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар ҳам тасдиқлаб турибди. Шундай экан, ҳар жойда, хусусан алоқа хизмати тизимида ҳам жавоб берувчи жонкуяр бўлмоғи керак.

Йўқламада «Ўзбекистон овози»нинг вилоят мухбирлари Раҳимжон ИРИСОВ, Қурбон МУҲАММАДРИЗО, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Фармон ТОШЕВ, Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ иштирок этишди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ГАИТИДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

● ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон ўтган куни Оқ уйда Панаманинг янги сайланган Президенти Эрнесто Перес Балядерес билан музокара олиб борди.

Музокарада Гаити оролидаги сиёсий вазият, наркомаҳфияга қарши курашда ҳамкорлик хусусидаги ҳамда шу йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Америка қитъаси мамлакатлари раҳбарлари учрашуви масалалари муҳокама қилинди.

БИРЛАШТИРИШ ҲАРАКАТИДА

● БРАТИСЛАВА. Бир ярим йил олдин собиқ Чехословакия ҳудудида икки мустақил давлат тузилган эди.

Эндиликда айрим кучлар Чехия ва Словакияни бирлаштириш ҳаракатидалар. Чехия ва Словакияни ривожлантириш ҳаракатининг Братислава шаҳрида бўлиб ўтган таъсис съезди иштирокчилари шу ҳақда хабар бердилар. Бу ҳаракатга айни пайтда 7900 киши аъзодир.

КУЧЛИ ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

● ЛУАНДА. Ўтган кунн Ангола пойтахтида кучли портлаш рўй берди. Бунинг натижасида икки киши оғир жароҳатланди. Бу ўртача даражадаги портлатгич биринчи қаватдаги хонадонлардан бирига қўйилган эди.

Маҳаллий полиция эса ҳозирча бу ҳақда ҳеч қандай баёнот берганича йўқ. Ўтган йили ўнта шундай портлаш юз берган, еттита портлатгич эса зарарсизлантирилган эди.

ИККИ ДАВЛАТ РАҲБАРИ УЧРАШДИ

● СОФИЯ. Польша Президенти Лех Валенса икки кунлик ташриф билан бу ерга келди. У Болгария Президенти Желю Желев билан музокаралар олиб боради.

Музокаралар чоғида Польша — Болгария муносабатлари масалалари, икки давлатнинг Умумевропа интеграция жараёнида тутган ўрни ҳамда Босния — Герцеговина муаммосини ҳал қилиш хусусида суҳбатлашилади.

БОШ КОТИБНИНГ ФИКРИ

● ҚОҲИРА. Араб давлатлари ҳамжамияти бош котиби Исмат Абдул Мажид БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироққа қарши иқтисодий жазо ҳақидаги қарорини бекор қилиш тарафдоридир.

Унинг фикрича, иқтисодий қамал натижасида Ироқ халқи оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Бундан ташқари, Бағдод Форс кўрфазидаги урушдан сўнг зиммасига юкланган вазифаларга тўла амал қилаётир.

ВАТАНГА ҚАЙТИШГА ШОШИЛМАЯПТИ

● НАЙРОБИ. Руанданинг янги Президенти Пастер Бизимунгу энг аввало миллий бирликни тиклаш, гражданлар уруши даврида қатағонга учраган фуқароларга товон тўлаш масаласи билан шуғулланишини билдирди.

Мамлакатни ташлаб чиққан қочқинларни ватанга қайтишга ундаган Президент «қуролсиз аҳолини қиришда иштирок этганларни оғир жазо кутмоқда», деди. Шунга қарамай, қўшни Заир давлатида жон сақлаётган руандалик қочқинлар юртга қайтишга шошилмаяпти.

ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР

● ИСЛОМОБОД. Покистон ташқи ишлар вазири Осиф Аҳмад Али давлат парламентида сўзлар экан, Покистон Кашмир масаласи юзасида Ҳиндистон ҳукумати билан жиддий музокаралар олиб боришга тайёрлигини айтди.

— Исломобод Деҳли билан дўстона алоқаларни тиклашдан умидвор, — деди ташқи ишлар вазири жумладан. — Бироқ Кашмир муаммоси ерли халқнинг ҳақ-ҳуқуқ ва истакларини эътиборга олиш асосида ҳал этилиши зарур.

[Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди].

Шу кунниг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• Ободончилик

ЗОМИН ДАРВОЗАСИ

● ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Туронзаминнинг буюк Ипак йўлида муҳташам иншоот қад ростлади. Бу Зомин туманининг рамзий дарвозасидир.

Қадимий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бу дарвоза ўзига хос кўринишга эга. Дарвоза туман марказига кираверишда, катта йўл устига қўш табақали қилиб қурилди. Биринчи табақадан туманга кирувчилар, иккинчисидан чиқувчилар ўтишади. Оқ пишиқ ғишт, темир бетон ҳамда Ғозғон мармаридан ашё сифатида фойдаланилди. Дарвоза пештоқига давлатимизнинг бронза рамзи ўрнатилиб, атр[illegible]ри безатилди. Устунларига Хумо қуши тасвири нақшбанд этилди. Мовий гумбазлар эса олислардан ярқираб кўзга ташланади. Дарвоза ёнида мовий кўл, ихчам боғ, нақшинкор чойхона ва савдо растаси барпо этилмоқда.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ.

• Хўжалик буюмлари

КОГОН СОВУНИ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Когон ёғ-экстрация заводида совун ишлаб чиқариш цехи маҳсулот бера бошлади.

Цехни қуришда корхона ишчиларига Каттақўрғон, Андижон ёғ-мой комбинати, Когон ёғ-экстрация заводи мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Ҳозир цехда кунига 8-10 тоннага етказиб совун ишлаб чиқарилмоқда. Цех жамоаси корхона қувватини 30 тоннага етказиш тадбирларини кўрмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

• Ишбилармонлик

«БИР БОЛТАГА БИР ҚЎЙ»...

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Мол айирбошлаш хосиятини ота-боболаримиз яхши билишган. Акс ҳолда «бир болтага бир қўй», деган ибора юзага келмасди.

Зеро, ҳазорбоғликлар ҳам бу борада бўш келишмаяпти. Соҳибкорлар лимонга комбайн алмаштиришни ўрнига қўйишди. Деновдаги «Ҳазорбоғ» жамоа хўжалиги лимонзорида йилига юз тоннадан ортиқ тансиқ неъмат етиштирилади. Яқинда Россиядан иккита комбайн келтирилди. Буни жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари Ж. Зулфиқоров шундай изоҳлайди:

— Биз Россияга 57 тонна лимон жўнатган эдик. Айни ғалла пишиб етилган паллада, техникага зарурат пайдо бўлганида «Нива»лар етказиб берилди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

• Соғлом авлод учун

МУДРОҚЛИК—КАСАЛДАН ЁМОН

Панжи Раҳмонқуловдан (Сурхондарё вилоят электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи) кимдир:

— Ёшингиз нечада?—деб сўраб қолди.

— Нечага кирган кўринаман. Айтинг-чи?— деб сўради Раҳмонқулов савол берган одамдан.

Тахмин айтилди. П. Раҳмонқулов шарақлаб кулиб юборди. «Ўн беш ёшга янглишдингиз,— деди.— Сочим тўкилди, қуғрғур. Бўлмаса ёшимдан ўн беш эмас, йигирмани ўғирлаб айтишармиди»,— деди. Яна завқ билан кулди. «Тамаки чекмайман, арақ ичмайман,— деб панжаларини юмиб санай кетди Раҳмонқулов.— Волейбол ўйнайман. Эллик иккига киряпманки, спорт билан ошноман».

— Яхши раҳбар фақат ўзининг эмас, жамоанинг ҳам соғлиғини ўйлайди,— деб луқма қиламан мен.

— Албатта-да,— дейди Раҳмонқулов баттар юзи ёришиб.— Идорамизда жисмоний соғломлаштириш хонаси бор. Волейбол, шахматшашка тўгараклари. Сауна. Учқизил сув омбори лабидаги дам олиш маскани...

Дарвоқе, бу рўйхатга яна бир иш қўйилди. Корхона Термиз шаҳар касалхонаси ҳовлисида мўъжазгина бино қурди. Бино икки хонали. Бошқача айтганда, иккита хона. Шинам жиҳозланган. Даволаниш зарурати билан корхонанинг ходимлари касалхонага тушишганда, шу хоналарга жойлашадилар. Дам олиш, ювиниш хоналари бўлакча. Гилам, телевизор, совутгич ва иситгичлар. Хуллас, жамики шароит муҳайё.

Яна бир гап: ўзига лозим бўлмаган пайтлари корхона иш жойларни ижарага ҳам қўяди.

— Мудроқликни, касалман, деб нолиб юрадиганларни хуш кўрмайман,— дейди П. Раҳмонқулов.—Касалликни даволашни эмас, соғлиқни мустаҳкамлашни ўйлаш керак. Ана шунда ишлаган сайин ишлагинг келаверади.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛОТ

ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ:

— ҳар дақиқада 750 дан 3000 мартагача айланадиган, 2,2 кВт — 55 кВт кучга эга бўлган электр двигателлари;

— ЭЦВ-4, ЭЦВ-6, ЭЦВ-10 чуқурликда ишловчи насослар;

— кукунли ашёларни сепувчи ВР 8/2,2 компрессор — вакуум насослари;

— АВВГ маркали кучланиш кабели;

— ОКСТ 67-114 гидравлик пресс;

Каустик содани рангли, чоксиз чойшаб ва кўрпа ёстиқ жилдларига алмаштиради;

Металл прокати, электродлар, халқ истеъмоли моллари сотиб олади.

ТЕЛЕФОН: 45-75-67, 45-75-58.

ФАКС: 45-75-23.

ТАШКИЛОТ

ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛМАЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ:

— томат пастаси, қиём тайёрлайдиган ҳамда сутни қайта ишлайдиган ва қуюлтирадиган қурилмалар;

— мевани думидан ажратадиган А 9 — К4Э машинаси;

— қувурни қайирадиган дастгоҳлар;

— Болгарияда ишлаб чиқарилган МКСБпШп 4×4×1,2 магистрал телефон кабели.

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ:

— саноат люминесцент ёритгичлари;

— ун қоплар;

шлакоблок ишлаб чиқарадиган қурилмалар.

ТЕЛЕФОН: 45-75-67, 45-75-58.

ФАКС: 45-75-23.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ 10-СОН ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

1994—1995 ўқув йиллари учун 11-синф ҳажмида маълумотли, 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни АСАЛАРИЧИ — ТРАКТОРЧИ мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат фаолиятига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга асаларичилик олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийимбош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1995 йил 3 апрелдан ишлаб чиқариш амалиётига юборилади.

Жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ўз жойларига ишга юборилади.

Ўқувчилар амалиёт даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқишни битиргандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади. Ўқишга кирувчилар билан 1994 йил 31 август куни суҳбат ўтказилади. Ўқиш 1994 йилнинг 1 сентябридан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти раҳбари номига ариза, хўжаликдан йўлланма, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асли), таваллудлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 3Х4 ҳажмидаги 6 дона сурат, тиббий маълумотнома (086-У андозада).

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, А. Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги, 2-бўлим 10-сон ХБЮ. Телефон 56-689.

Билим юртига «Чорсу» метро бекатидаги автостанциядан 466-автобусда борши мумкин.

«ПРОГНОЗ» ФИРМАСИ

Тошкент шаҳрининг исталган туманида кўчмас мулкларни (квартиралар, уйларни) Сиз учун, ўзингиз олмоқчи бўлган баҳоларда харид этади, қисқа муддатларда ҳужжатларни расмийлаштиради, шунингдек давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ёрдам кўрсатади.

Тошкентдаги телефон: (3712) 41-46-50.

Факс: (3712) 44-26-03

«Прогноз».

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги Аҳмад Яссавий номли 203-ўрта мактаб томонидан Зафар Муҳиддинов номига берилган 033189 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 25. VII

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Болаларни авайланг".
18.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.50 "Ал-Мўмин" — кўп қиррали ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси.
19.00 "ФАРМОН ВА ИЖРО".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Бахтли онлар". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "ИСЛОҲОТ ВА МУАММОЛАР".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон халқ артисти Турсуной Мамедова куйлайди.
22.20 "Ўзбекистон" ахборот.
22.45 — 00.10 Абдулла Қаҳҳор. Ҳажвий новеллалар.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Номаълум ва ажойиб дунё". Телефильм.
20.20 "Деҳқон ҳиммати".
20.50 "Ранглар жилоси".
21.20 — 22.45 "Инглиз карабинидаги учта гильза". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Душанба куни детектив. "Писмиқ". "Эркюль Пуаро" сериалидан бадиий фильм.

*
19.25 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Яхши ният ўйинларида. Дзюдо.
21.00 "Ҳақиқат онлари". А. Караулов саволларига Э. Шеварнадзе жавоб беради.
21.55 "Ретро-шлягер". В. Высоцкий.
22.25 "Автомобилга етиб ол". Телефильм.
22.55 — 23.05 "Тафсилотлар".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
* * *
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Йўлбошчи".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Сиз кутган учрашувлар". Академик А. Панченко.
21.15 "Спорт уик-энди".
21.30 "Матадор".
22.20 Сизни Дагмар Фредерик (Германия) ва Россия ИИВ Ички қўшинлари ашула ва рақс ансамбли таклиф этади.
22.40 — 23.00 Катталар учун мультфильм.

Сешанба, 26. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 Болалар учун фильм. "Жодугарлик ва сеҳргарлик".
10.00 "Халқ куйлари". Фильм-концерт.
10.20 Лотин алифбоси.
10.50 "Жайхун шамоллари". Тўрткўллик хонанда Жамолиддин Айтбоев куйлайди.
11.10 — 11.50 "Маърифат маскани".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Садо".
18.40 "Есенсой чўлларида". Телефильм.
18.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГЎЗАЛЛИК КУЙЧИСИ". ХАЛҚ РАССОМИ ЎРОЛ ТАНСИҚБОЕВ.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Таэквандо бўйича жаҳон чемпионати арафасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Кекса санъатқорлар". Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 "СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН".
22.00 "Олтин тоғнинг сири". Бадиий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Мультфейерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
21.00 Видеогид.
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Киномарафон. "Кеккайган капрал". Бадиий фильм.
21.30 Яхши ният ўйинларида.

*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.50 "Серафима ороли". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.40 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Бьюлаленд". Телесериал. 6-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Комиссар". Телесериал. 8-серия.
21.40 — 23.05 Яхши ният ўйинларида. Бокс. Финал. Велоспорт. 125 кмга гуруҳлар пойгаси. Эркаклар. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.

Якшанба, 31. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 77 — 78-сериялар.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Телевизион миниатюралар театри.
11.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ". Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди.
12.45 — 13.55 Болалар учун фильм. "Сеҳрли саргузашт".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ўйинқароқ болалар", "Қойилмақом Гоша". Мультфильмлар.
18.15 "Санъат ғунчалари".
19.05 "Аҳвол қандай, чемпион!".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" Давлат рақс ансамблининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Ойнаи жаҳонда".
21.55 "ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ".
22.55 — 00.10 "Келинлар кўзголони". Бадиий фильм.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.55 Эълонлар.
18.05 Видео — "О".
19.45 Эълонлар.
19.55 "Рок ҳақида".
20.25 "Курьер".
20.45 "Юлдуз". Мусиқий кўрсатув.
21.25 "Даракчи".
21.35 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
13.00 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

13.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
13.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИГА. "ДУНЁ ЭШИГИ".
13.55 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.10 "Интермулоқот". Швейцариянинг миллий байрамига.
14.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
15.40 "Бу ажиб дунё".
18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Си-Би-Эс" кинотеатри. "Даҳшат". Бадиий фильм.
20.50 "Ксюша ҳузурида".
21.25 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Финал.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.55 "Ибн Сино". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 Мультфильмлар: "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар".
18.35 Любовь Деметер лўлилар ашулаларини куйлайди.
19.00 "Бомонд".
19.15 Луи де Фюнес "Катта таътиллар" бадиий фильмида (Франция).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.50 "Бир боқишда муҳаббат".
22.30 — 23.15 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет.

Чоршанба, 27. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Курьер". Бадиий фильм.
10.00 "Карнай садоси". Телефильм.
10.30 "Табиат — ҳаёт чашмаси". Кинопрограмма.
11.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.25 — 11.55 "Миллий мафкура".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Яшил бойлигимиз".
18.40 "Эрмитаж қандиллари". Телефильм.
18.50 "Ёшлик" студияси. "Ҳаётпарастлар байрами".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП". Олимлар ҳақида телеочерк.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!". ЭКРАНДА — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.
22.30 "АНОР" САҲИФАЛАРИДА.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Спринт".
20.15 "Агония". Телефильм.
20.40 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув.
21.20 "Нурли оқшом".
22.20 — 00.35 "Мерседес" ҳайдаган одам". Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
19.45 "Ҳеч ким унутилмайди".
19.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. "Спартак" (Москва) — "КаМАЗ". Танаффус пайтида — Телефильм.
21.55 "Тафсилотлар".
22.05 "Юлдузлар билан суҳбатда".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.10 — 00.15 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Интиқом". Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
* * *
17.50 Яхши ният ўйинларида. Енгил атлетика. Бокс. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Монолог".
20.40 "Муаллиф кўрмайдиган кўрсатув". Ю. Нагибин.
21.00 — 23.05 "Бигс". Бадиий фильм (Италия).

Пайшанба, 28 VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Беайб". Бадиий фильм.
9.55 "Оқ йилқилар". Телефильм.
10.10 "Бонг". Спорт кўрсатуви.
10.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.55 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари.
11.25 — 12.05 "Кўзгуга муҳрлан-ган тарих". Кинокўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Цирк! Цирк! Цирк!".
18.55 "Таълим ва ислоҳот".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Висим қўриқхонаси". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Ғалла — ризқ-рўзимиз".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "УСТОЗ ЎГИТЛАРИ". Мат-ниёз Юсупов. "Сувора" ҳақида. 2-кўрсатув.
22.20 "Гугуртга кетиб...". Бадиий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахборот.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 "Омад" тақвими.
20.00 "Жозиба".
20.20 "Бир шингил ҳангома".
20.30 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.45 Давлат Думаси раиси И. П. Рибкин билан суҳбат.
21.20 Криминал хабарлар экрани.
21.30 "60 дақиқа". "Си-Би-Эс" ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.50 "Атиргул очилганда". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
* * *
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 Яхши ният ўйинларида.
18.55 "Эксклюзив".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 "Одесса" киностудияси-нинг 75 йиллигига. Ретро-спектив намойиш. "Нодир шахс". Бадиий фильм (1988 й.).
22.10 Яхши ният ўйинларида.
22.50 — 23.00 "Матбуот-экспресс".

Жума, 29. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 Болалар учун фильм. "Баҳосиз даре".
9.35 "Ота-ўғиллар". Телефильм.
10.05 "Оламни асранг!".
10.35 "Жонни эрурсан қўшиқ". Шокиржон Эргашев.
11.05 — 11.45 "Қизил Яримой шуъласи".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.00 "Учқур отлар". Телефильм.
19.15 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мусаввир Рўзи Чориев". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Ҳофизлар хониш қилганда".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 "БЕВОСИТА МУЛОҚОТ".
22.15 "Ўзбекистон" ахборот.
22.40 — 00.10 "Европа воқеаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 "Менинг маҳаллам".
20.35 "Ёнгиндан сақланинг!".
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 "Тошкент оқшомлари".
22.25 — 00.15 "Катта сайр". Бадиий фильм (Франция).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "Ҳеч ким унутилмайди".
20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадиий телефильм.
20.50 Фильмлар премьераси.
21.05 "К-2" таништиради.
21.55 "Барча авлодлар мусиқаси".
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 "Қотил бунинг ўзи". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
* * *
17.55 "Инсон ва қонун".
18.30 "Ҳафтанинг акс-садоси".
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
20.50 Детективлар клубида. "Ден Огаст". Телесериал. 13-серия.
21.55 "Матбуот-экспресс".
22.05 — 22.55 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 30. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.30 "Қора шаҳзода". Бадиий фильм.
10.05 "Шоҳруҳ" клуби.
10.35 "Жажжигина юраккинам". Достон Убайдуллаев.
11.25 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
12.25 "Ўзбекистон спорти".
12.55 "Ёдимда ўзинг...". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова.
13.35 — 14.45 Болалар учун фильм. "Кулол ва кўзача".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Кичкинтой" студияси. "Жажжи сўз".
18.25 "Олатоғ жилолари". Телефильм.
18.35 "ЁШЛИК" СТУДИЯСИ. "КИМГА ҚАНАҚА?".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Борига барака".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Лирик концерт.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 Эълонлар.
21.30 ТЕЛЕВИЗИОН МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ.
22.15 "ТУНГИ ЁГДУ". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
10.00 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" тақвими.
12.50 "Жозиба".
13.10 "Бир шингил ҳангома".
13.20 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва эълонлар.
14.50 "Кинонигоҳ".
* * *
19.30 "Ўзбекистон" ахборот (рус тилида).
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Бу ажойиб Қрим". Телефильм.
20.40 "Чемпион билан учрашув". Енгил атлетика бўйича республика чемпиони Анвар Кучмуродов.
21.00 "Ўзбекистон" ахборот.
21.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА".
22.10 — 00.15 "Най учун ёзилган кўҳна куйлар". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
*
13.05 — 16.00
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
13.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИГА. "ЮКСАЛИШ".
14.05 "Би-Би-Си" янгиликлари (инглиз тилида).
14.20 "Кашфиётлар оламида".
14.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари (инглиз тилида).
15.05 "Дидар" (қозоқ тилида).
15.40 "Бу ажиб дунё".
18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Си-Би-Эс" кинотеатри. "Даҳшат". Бадиий фильм.
20.50 "Ксюша ҳузурида".
21.25 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Финал.
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.55 "Ибн Сино". Бадиий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 Мультфильмлар: "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар".
18.35 Любовь Деметер лўлилар ашулаларини куйлайди.
19.00 "Бомонд".
19.15 Луи де Фюнес "Катта таътиллар" бадиий фильмида (Франция).
21.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.50 "Бир боқишда муҳаббат".
22.30 — 23.15 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет.

• *Спорт*

ЯХШИ НИЯТ ЎЙИНЛАРИ

● Бугун Санкт-Петербург шаҳрида йирик спорт анжумани — Яхши ният ўйинлари мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлади.

Маълумки, олимпиада ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта такрорланади. Мутахассислар энг йирик спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўришни тобига етказиш мақсадида олимпиадаолди баҳсларини кашф этдилар ва унга Яхши ният ўйинлари деб ном бердилар. Яхши ният ўйинлари биринчи марта 1986 йили Москвада ўтказилган эди. Орадан тўрт йил ўтгач, АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида мусобақа байроғи кўтарилди. Мухлислару спортчилар бундай хайрли тадбир жисмоний машқларни оширишда, олимпиадага муносиб номзодларни саралашда муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этдилар.

Яхши ният ўйинлари байроғи бу гал учинчи марта ҳилпирайдиган бўлиб турибди. Мусобақалар спортнинг 24 тури бўйича ўтказилади. Қизғин беллашувларда 50 мамлакатдан икки мингга яқин спортчининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Мустақиллик шароитида биринчи марта таъсис этилган бу халқаро мусобақада мустақил юртимиз вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Асосан спортнинг олимпиада турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ўзбекистонлик йигит-қизларнинг маҳорат оширишларига имкон бериши табиийдир.

7 августга қадар давом этадиган мусобақаларда мамлакатимиздан найза улоқтирувчи Виктор Зайцев, Владимир Парфенов, Оксана Яригина, ўн курашчилардан Рамил Ғаниев билан Олег Веретельников, чарм қўлқоп устаси Ҳикматилла Аҳмедов, эркин усулда беллашувчи полвонлардан Руслан Хинчагов билан Рамиль Исломов, гимнастикачи Оксана Чусовитиналар иштирок этадилар. Бир сўз билан айтганда, моҳир спортчиларимизнинг чиқишларини кўздан кечириш, уларни олимпиада ўйинларига ҳозирлашда яхши ният ўйинлари ўзига хос босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.

• *Ҳажвиялар*

ПАТТАЧИ БОЛА

Автобусга чиқишим билан:

— Ассалому алайкўм,— деди паттачи бола.

— Ваалайкўм ассалом,— деб жавоб қилдим ўз навбатида мен ҳам. Кўзимга иссиқ кўринди, лекин қаерда кўрган эканман? Эсимда йўқ. Одоблигина.

— Ана бўш жой, ўтиринг, ока,— деди меҳрибонлик билан паттачи бола. Вой, бунинг ширинлигини. Ёқимтойгина.

Автобус одамга тўлди. Паттачи бола патта сотишга тушди.

— Билет олинглар, билет олинглар!

Йўловчилар чўнтакларини кавлаб пул узата бошлашди. Мен ҳам вақтида олиб қўяй деб пул узатдим. Паттачи бола:

— Қўйинг, қўйинг, сизни таниймиз,— деди.

— Ол, ол.

— Э, нима деяпсиз, сиздан пул оламанми? Йўқ, уят бўлади. Шундоқ кетаверинг.

Хуллас, паттачи бола пулимни олмади. Ўғлимнинг ўртоғимикан? Тушаётганда сўрарман.

Охирги бекатга бораётган эдим. Шунинг учун кўзимни юмиб хаёлга чўмдим. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен автобусда кўзимни юмиб хаёл суришни яхши кўраман. Кўзим илинибди, денг. Бир пайт биров тўртди. Кўзимни очсам, тепамда йўғон билакли ҳайдовчи билан паттачи бола.

— Шуми?— деди ҳайдовчи.

— Шу,— деди паттачи бола.

— Билетингиз?— сўради ҳайдовчи.

— Бу укам мендан пул олмади,— дедим паттачи болани кўрсатиб.

— Э, нима деяпсиз, ока?! Автобусга чиққандан ўхладингиз-ку. Йўл ҳақини беринг, десам ҳам кўзингизни очганингиз йўқ,— деди дабдурустдан паттачи бола. Бу ўша болами, ё бошқа?

— Энди жарима тўлайсиз, ока.

— Қанақа жарима?

— Автобусда юриш қоидасини бузганлигингиз учун!

Ҳайдовчи билагимни қисди. Кўзимдан ўт чиқиб кетди. Ҳазиллашмаяпти. Жиддий.

Жаримани тўлаб, автобусдан туша бошладим. Ерга биринчи қадамимни қўйишим билан уларнинг мамнун овози эшитилди:

— Чиқаётганда сезувдим, бўш одам эканлигини. Салом бериб юбордим ёқди,— деди паттачи бола. Овози бунча совуқ. Қўпол.

— Баракалло!— деди ҳайдовчи.

Бекатдаги скамейкада ўтирган кўзойнакли йигит гап қотди:

— Ҳа, шилиндими?

— Шилинди.

— Бундан кейин шу автобусга эҳтиёткорроқ бўлиб чиқинг. Мен ҳам сизга ўхшаб шилинганларданман. Ҳайдовчи ўғлига тадбиркорликни ўргатяпти...

ТАРТИБСАҚЛАР

Олдинги қаторда ўтирган семиз киши томоғини қирди. Ёнидаги новча бурнини тортди. Бу ҳам майли, чидадим. Кутилмаганда орқа қатордан кимдир тушкуриб юборди. Энди бўлмади, сакраб ўрнимдан турдим:

— Ким у тушкурган?

Дастрўмол билан оғзи-бурнини артаётган нимжонгина йигит:

— Мен,— деди.

Ёқасидан олдим:

— Нимага сўрамасдан тушкурасан?

Ранги-қути ўчиб кетди. Зўрға:

— Ҳазиллашманг, ока, бундай пайтда сўраб бўладими?— деди.

— Нега сўраб бўлмас экан, бўлади. Қаерда ўтирибсан, биласанми ўзи?! Бу ер жамоат жойи. Жамоат жойида калланга келган ишни қилишга сенга ким ҳуқуқ берди?

Чироқ ёнди. Томоша тўхтаб қолди. Барчанинг эътибори бизга қаратилди. Бир эркак билан аёл югуриб келишди. Театр ходимларидан бўлишса керак.

— Нима гап, ока?— деб сўради эркаги.

— Тинчликми?— деди аёли.

Дадиллашдим:

— Шу ерда ишлайсизларми?

— Ҳа.

— Манови тартибни бузди.

— Хўш?— деди эркаги.

— Қандай қилиб?— деди аёли.

— Тушкурди. Кутилмаганда атрофдагиларга туфугини сачратиб тушкурди.

— Яхшимас,— деди эркаги.

— Ёмон бўпти,— деди аёли.

— Бунақаларни театрга киритмаслик керак. Шунақаларнинг касофати туфайли жанжал чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўзингиз ўйланг, биринчидан, ҳеч кимни огоҳлантирмасдан, рухсат олмасдан тушкурди. Иккинчидан, туфутини сачратди. Сизни билмадим-у, лекин мен бировнинг оғзидаги нарса баданимга сачраса тамом ўзимни йўқотиб қўяман. Ҳалиям жаҳлимни босдим. Мен қаерда ўтирганимни жуда яхши биламан. Шунинг учун индамаяпман. Бўлмаса, абжағини чиқариб ташлар эдим.

— Бу ёққа юринг,— деди эркаги нимжон йигитнинг билагидан ушлаб.

— Сиз бемалол томоша кўраверинг, ўзимиз бу йигитча билан гаплашиб қўямиз,— деди аёли.

Чироқ ўчди. Томоша бошланди. Томошабинлар ўтирган жойлар ним-қоронғу. Одам-одамни таниса бўлади.

Ҳамманинг нигоҳи саҳнага қаратилди. Энди ҳеч ким томоғини ҳам қирмади, бурнини ҳам тортмади. Фақат биттаси биттасининг қулоғига шивирлаётганини эшитдим:

— Эҳтиёт бўп ўтир-а, манави ерда битта тартибсақлар ўтирибди...

ҲУШЁРЛИК

Тепасига «Бошлиқ» деб ёзилган хона. Хўжайин ташвишли қиёфада у ёқдан, бу ёққа юриб турибди. Котибани чақиради.

— Ҳеч қаёққа жилманг. Ҳозир келиб қолиши керак. Ҳушёр бўлиб туринг!

— Хўп,— деб котиба чиқиб кетади.

Тепасига «Бошлиқ» деб ёзилган хона. Хўжайин ташвишли қиёфада у ёқдан, бу ёққа юриб турибди. Ўринбосарини чақиради.

— Ҳеч қаёққа жилманг. Ҳозир келиб қолиши керак. Ҳушёр бўлиб туринг!

— Хўп,— деб ўринбосар чиқиб кетади.

Тепасига «Бошлиқ» деб ёзилган хона. Хўжайин ташвишли қиёфада у ёқдан, бу ёққа юриб турибди. Қоровулни чақиради.

— Ҳеч қаёққа жилманг. Ҳозир келиб қолиши керак. Ҳушёр бўлиб туринг!

— Хўп,— деб қоровул чиқиб кетади.

Тепасига «Бошлиқ» деб ёзилган хона. Хўжайиннинг:

— Вой-дод ўлдим. Ёрдам беринглар!— деб бақирган овози эшитилади.

Хўжайин гиламнинг устида ағнаб ётибди. Устида бўйинбоғи билан бўғиб олган аёл.

— Мен сизга отасиникига кетиб қолишни кўрсатиб қўяман. Қачон уйга борасиз?..

Абдураззоқ ОБРУЙ.

Қидирилмоқда

Пахтачи тумани ИИБ томонидан 1933 йилда туғилган Ҳожар Худойбердиева қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 6 сентябрида эрталаб Навоий шаҳрига — синглисининг олдига бораман, деб уйдан чиқиб кетган ва бошқа қайтиб келмаган. Шу куни эгнида баргчали вельюр материал кўйлак, бошида оқ дока рўмол, оёғида қизил шиппак бўлган. Бўйи 160—165 см, озғиндан келган, юзи чўзинчоқ, сочлари оқарган, ўнг қўл кафтида 3 см. узунликда чандиқ бор. Ўнг қўли ва боши доим қимирлаб туради, гаплашганда сўзни бир неча маротаба такрорлайди.

Ҳ. Ҳудойбердиевани кўрганбилганлар бўлса Пахтачи тумани ИИБга (телефонлар: 3-12-02, 3-22-70, 3-11-91) ёки яқин атрофдаги ички ишлар бўлимига хабар беришингизни сўраймиз.

УТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат юридик институти жамоаси кутубхона мудираси Гавҳар Раҳимовага онаси

Қутпнинса ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси маъмурий хўжалик ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, уруш ва меҳнат фахрийси

Ашраф ШАРИПОВнинг

узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда —